

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

| | |
|--|-----|
| М.Ҳайдаров | |
| Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва | |
| моҳияти..... | 101 |
| Т.Ахмедов | |
| Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни | 106 |
| Ғ.Раҳмонов | |
| Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган | |
| ислоҳотлар ва уларнинг натижалари..... | 110 |
| С.Ахмедов | |
| Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари | |
| темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли | |
| манба сифатида..... | 115 |
| Р.Расулова | |
| Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида | 121 |
| АДАБИЁТШУНОСЛИК | |
| А.Сабирдинов, Д.Муратова | |
| Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи | 126 |
| Э.Жабборов | |
| Ўзбек миллӣ адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви..... | 131 |
| Б. Абдураҳмонова | |
| “Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш..... | 138 |
| ТИЛШУНОСЛИК | |
| Ғ.Хошимов, Н.Комилова | |
| Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар | |
| майдонининг қиёсий тадқиғи | 144 |
| Н. Умарова | |
| Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм | |
| структураси..... | 149 |
| Г.Розикова | |
| “Девону луготит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши | 155 |
| А.Базарбаева | |
| Инглиз тили дарслекларида машқлар тақдимотининг назарий асослари | 160 |
| Д.Рахматуллаева | |
| Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар..... | 164 |
| Б.Баҳриддинова | |
| Замонавий ўқув лугатларининг таркибий тузилмаси хусусида..... | 167 |
| Н.Суярова | |
| Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг | |
| шаклланиши | 172 |
| Б.Сулаймонов | |
| «Теорема» романининг лексикографик тадқиқи..... | 176 |

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

| | |
|---|-----|
| Ф.Тошпўлатова | |
| Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш | |
| тамоийллари | 180 |
| Г.Сайдова | |
| Бошлиғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва | |
| воситалари | 184 |

ИЛМИЙ АХБОРОТ

| | |
|---|--|
| Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грусдков, В.А.Каримов | |
| Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа | |

УДК: 41+398+001.8

ЎЗБЕК-КОРЕЙС ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР
МАСАЛАСИ

ВОПРОС СЕМЬИ И СЕМЕЙНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В УСТНОМ ТВОРЧЕСТВЕ
УЗБЕКСКОГО И КОРЕЙСКОГО НАРОДОВ

THE ISSUE OF FAMILY AND FAMILY VALUES IN UZBEK-KOREAN FOLKLORE

А.Сабирдинов¹, Д.Муратова²

¹А.Сабирдинов

ФарДУ, филология фанлари доктори.

²Д.Муратова

ФарДУ, магистрант.

Аннотация

Мақолада оила ва оилавий қадриятлар масаласи ёритилған бўлиб, унда айрим ўзбек-корейс халқ мақол ва эртакларида юзага келган типологик ўхшашликлар ўрганилган.

Annotation

In article focuses on family and family values, exploring typological similarities that have emerged in some Uzbek-Korean folklore and fairytales.

Таянч сўз ва иборалар: оила, қадрият, оилавий қадриятлар, мақол, эртак, олтой,protoолтой, корё одати, типологик ўхшашлик.

Ключевые слова и выражения: семья, ценность, семейные ценности, пословица, сказка, алтайский, protoалтайский, обычай корё, типологическое сходство.

Key words and expressions words: family, value, family value, proverb, fairy tale, Altaic, protoAltaic, koryo custom, typological similarity.

Халқ оғзаки ижодида халқнинг урфодатлари, турли анъаналари, руҳияти, фикрлаш тарзи, фалсафаси акс этади. Шарқда оиласа маънавий камолот бешиги сифатида қаралади. Оила – жамият ўзаги ва негизи. У ҳар бир халқ, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятлар ривожини таъминловчи, маънан етук, ахлоқан пок, руҳан соғлом ва жисмонан барқамол авлодни тарбияловчи муқаддас даргоҳдир[1,321].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралда “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва **анъанавий оилавий қадриятлар** муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб

чикиш ва амалга ошириш бу борада амалга оширилаётган ишларнинг хайрли давоми бўлди.

Шарқ оилалари ўзларининг кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларига эга бўлиб, айнан оиласа демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб ва эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади.

Оила – умуминсоний, миллий, диний, шахсий ва оилавий қадриятларни, маънавий анъаналарни келажакка етказиб берадиган “қадриятлар сандиги”dir. Сирасини айтганда, оиланинг мустаҳкамлик ва узоқ яшовчанлик сири ва саодати ҳам ана шу маънавий анъана ва қадриятларга боғлиқлигидадир. Худди шу мантиқдан келиб чиқиб, оила ва оилавий қадриятлар тасвирланган асарларни тадқиқ қилиш нақадар мароқлидир.

Ўзбек-корейс адабиётида кўзга ташланувчи оила ва оилавий қадриятлар тасвиридаги муштаракликларни нафақат замонаеий адабиётда, балки халқ оғзаки ижоди таркибидағи мақоллар ва эртаклар мисолида ҳам кузатамиз.

Фольклор намуналаридан бири бўлган **мақоллар** халқнинг кўп асрлар мобайнида

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тўплаган тажрибалари, кузатишлари асосида юзага келган ихчам, чуқур мазмунга эга бўлган оғзаки ижод жанрларидан биридир[2. 91].

Мақоллар ўз табиатига кўра халқаро жанр саналади. Дунёда ўз мақолига эга бўлмаган халқнинг ўзи йўқ. Чунки ҳар бир халқ ҳаётий тажрибаларини мақоллар шаклида авлодларга қолдиради. Шунинг учун ҳам турли халқлар оғзаки ижодида мазмун ва шакл жиҳатидан бир-бираiga яқин ҳамда ҳамоҳанг мақоллар кўплаб учрайди. Бунга сабаб ҳар бир халқ ҳаёти ва тарихида жуда кўп ўхшашликлар, умумийликлар мавжуддир. Бундай муштаракликлар ўзбек-корейс халқ мақоллари таркибида ҳам кузатилади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида учровчи “*Ақлли отини мақтар, аҳмоқ хотинини*” [3. 123] мақоли корейсларда: “*Тентак хотинини, ақлли одам фарзандларини мақтайди*” [4.193] тарзида қўлланади.

Оилавий қадриятлар билан боғлиқ бўлган бўйига етган қизга совчи кутиш анъанасини ўзида акс эттирган мақоллар:

Қизи кўпнинг эшиги доим очиқ (корейс халқ мақоли, 193-бет).

Қизли уй – карвонсарой (ўзбек халқ мақоли, 279-бет).

Карвонсаройга ҳар тарафдан турли йўловчилар келиб кетгани каби, қизли уйга турли оиласардан совчилар келиб туради. Карвонсаройнинг эшиги ҳар қандай йўловчилар учун очиқ бўлгани каби, қизли уйнинг эшиги ҳар қандай (ҳоҳ яхши, ҳоҳ ёмон) оиласдан келган совчилар учун очиқ бўлиши керак. Қиз берилмаган тақдирда ҳам уларнинг кўксидан итармаслик, аксинча, хуш қабул қилиш лозимлиги таъкидланмоқда.

Қўни-қўшничилик анъаналарига амал қилиш қадимдан оилавий қадриятлардан бири ҳисобланади:

“Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшини яхши” (“Корейс халқ мақоли”, 193-бет).

“Яхши қўшини узоқ қариндошдан яхши” (“Ўзбек халқ мақоли”, 258-бет).

Ушбу мақолларда узоқдаги қариндошининг келиб, то сенга ёрдам бергунча, яқиндаги қўни-қўшниларинг ишингни битказиб берадилар, мушкулингни осон қиладилар, деган маъно англаради.

Куда-андачилик муносабатлари қадим тарихга бориб тақалади. Бу муносабатлар меҳр-оқибат ришталари билан боғлансанагина мустаҳкам бўлади. Қуйидаги мақоллар келин

ёки куёвга қаратса айтилган бўлиб, жуфти ҳалолининг ота-онасини ҳам хурмат қилиш, улардан меҳрини аямаслик кераклиги уқтирилади.

“Суюкли хотинингнинг ота-оналари хонадонини тавоғ қил” (“Корейс халқ мақоли”, 193-бет).

“Яхши кўрсанг боласин,
Иzzат қилгин онасин” (“Ўзбек халқ мақоли”, 257-бет) шаклида учрайди.

Инсон ҳаёти давомида умуминсоний қадриятларни қадрлаган ҳолда ўзидан эзгулик, яхши ном қолдириши керак. Шунда нафақат у қилган ишлар, балки унинг юзи ҳам атрофдагиларга ёқимли бўлиб кўринади. Қуйидаги мақоллар юқоридаги фикримизнинг давоми бўлиб хизмат қилади:

“Чиройли одамнинг териси қордан, чехраси гулдан” (корейс мақоли, 200-бет).

“Яхши одамнинг юзидағи зулук (айрим манбаларда пашша) ҳам хол бўлиб кўринади” (ўзбек халқ мақоли, 91-бет).

“Чолни кўриб “бувам” дема” (корейс халқ мақоли, 201-бет).

“Чолни кўриб “бобом” дема” (ўзбек халқ мақоли, 135-бет).

Юқоридаги мақол ҳар кимни ҳам ўзингга яқин олма, ҳаммани ҳам дилингга яқин олиб, ишонаверма, деган маънода ишлатилади.

Ўзбеклар ўзларининг меҳмондўстлиги билан шуҳрат қозонгандар. Корейс миллати ҳам меҳмонларни ўзбеклардан кам севмаслигига қуйидаги мақол орқали яна бир бор амин бўламиш:

“Тасодифий меҳмонни ҳам яхши кут (корейс халқ мақоли, 200-бет).

“Меҳмон – атоиши худо”; “Меҳмон жоиши кўз устида” (ўзбек мақоли, 165-бет).

“Узи келган меҳмон – атоиши худо, Ҷақириб келган меҳмон – гадойи худо” (ўзбек халқ мақоли, 168-бет).

Оипада тарбияланаётган қиз болаларнинг оиласавий муносабатларда қадрланувчи моҳирлик, меҳнатсеварлик, чақонлик, куюнчаклик каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган мақоллар:

“Қизсиз хонадон – оловсиз ўчок” (корейс халқ мақоли, 193-бет).

“Қизли уй – файзли уй” [5.487] (ўзбек халқ мақоли).

Бошқа мақолда:

“Қизли уй – бўстон,

“Қизсиз уй – зимиston” (ўзбек халқ мақоли, 279-бет).

Ҳар иккала халқ оиласарида ҳам қиз фарзанд суюклидир. Мақолдаги “*зимиston*”

сўзи форсчада “қиши” (“совук”) ёки “ёруғлик, офтоб нури тушмайдиган жой” маъноларида қўлланилишини инобатга оладиган бўлсак, иккала мақолнинг ҳам маъно жиҳатдан яқинлигини англаймиз.

Пурмаъно фикр-мулоҳазаларга тўла ўзбек-корейс мақолларида ҳайратомуз муштаракликлар, типологик ўхшашликлар, маданиятлари, қадриятларининг яқинлиги бу халқларнинг қадимдан илдизи бирлигини исботлайди.

Шу ўринда корейс халқининг шаклланишига қисқача тўхталаидиган бўлсак, у жуда қадим тарихга эга. Корейсларнинг аждодлари қадим замонлардан бери Корея яrim ороли худудида яшаб келмоқдалар. “Корейсларнинг шаклланишида учта қабила гурухи (палеосиё, олтой, австронез) қатнашган. Бунда етакчи ролни **protooltoй – дастлабки олтой** қабилалари ўйнаган” [6.32]. (Олтойлар қадимдан туркий халқлар таркибиға кирган. Олтойлар ҳозирда ўзларини олтой-кижи, деб атайдилар [7.533]. Олтой тили – туркий тиллардан бири. 1948-йилгача ойрот тили, деб аталган [7.532]).

Маълумотлардан кўринадики, корейслар туркий халқлар билан келиб чиқиш жиҳатидан қадимда бир илдизга эга бўлган. Ўзбек-корейс адабиёти намуналарини қиёслаб ўрганиш орқали икки халққа хос яқинликлар юзага чиқаверади. Эркин Воҳидовнинг: “Икки халқнинг бир-бiri билан яқинлиги адабиётларининг яқинлигига намоён бўлади” [9. 328], деган фикри нечоғлик ҳақлигига корейс адабиёти намуналарини ўрганиш жараёнида яна бир бор амин бўламиш.

Ўзбек ва корейс халқ эртаклари ғоят қадимилиги, ўзига хос сюжет тизими, образлар силсиласи ва бадиий воситаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу бетакрор номоддий маданий мерос ёдгорликлари икки халқ бадиий тафаккурининг юксак салоҳияти ва тадрижий ривожи қатламларини ўзида акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир.

Халқ эртакларида умумийлик ва ўхшаш жиҳатлар кўп учрайди. Бу, компаративистиканинг адабий алоқалар, типологик ўхшашлик, ўзаро таъсир муаммоларига оид бўлиб, бу борада олиб борилган изланишлар ва билдирилган фикрлар мунозаралидир.

Шундай тарзда юқорида айтиб ўтганимиз – қиёсий адабиётшуносликдаги **типовогик ўхшашликлар** юзага келади. Яъни, бир-биридан бехабар ҳолда ўзларининг ички

эҳтиёж, қарашлари асосида адабиётда ўхшаши, бир-бираига яқин эпизодларнинг, образларнинг юзага келиши кузатилади. Масалан, ўгай она зулмидан азият чеккан қизлар образи Золушка, Синдрелла, Настенька, Зумрад, корейс адабиётида эса Кхончхидир.

Эртаклардаги ўхшашликлар бир халқ муҳитидан иккинчисига ўтиб, ўша муҳитга мослашади. Бир хил ижтимоий-тарихий ривожланиш шароитига эга халқларда бир вақтнинг ўзида ўхшаши эртаклар яратилиши мумкин. Бу типологик ўхшашликдир. Эртаклар китоблар орқали бир халқдан иккинчисига ўтади. Бу ўзаро таъсир маҳсулидир.

Ўхшашликлар рақамларда, сеҳрли предметларда ҳам кўринади. Жумладан, уч, етти, қирқ рақамлари.

Фольклор намуналарини қиёслаб ўрганиш орқали қизиқарли ва қимматли маълумотларга эга бўламиш. Фикримизни куйидаги ўзбек ва корейс эртаклари мисолида давом эттирамиз.

Халқ оғзаки ижодига мансуб “**Қари билганни пари билмас**” (ўзбек халқ эртаги)[9,85] ва “**Корё одати ва ҳақиқий ўғил**” (корейс халқ эртаги)[10,92], “**Аҳил ака-ука**” (ўзбек халқ эртаги) ҳамда “**Икки ака-ука**” (корейс халқ эртаги)[10,154] да оила ва оиласи қадриятлар тасвирангандан бўлиб, уларда бир қатор типологик ўхшашликлар кузатилади.

Эртак қаҳрамонларининг характеристи ва тақдирларида ўхшашлик, оиласи қадриятлар тасвири, сюжетлар линиясидаги муштаракликлар ҳам эътиборга молиқдир.

Ҳаётий-маиший эртаклар туркумига киравчи ушбу “**Корё одати ва ҳақиқий ўғил**” ва “**Қари билганни пари билмас**” эртакларида топишмоқли тортишувлар ҳикоя қилиниб, кексаларнинг ўткир зеҳни ва донишмандлигини улуғлаш асосий ўрин тутади.

Эртакда кексаларнинг оқил-у донолиги, тадбиркорлиги, адолат юзасидан иш кўриши каби хислатлари қайд этилиб, уларни ҳурматлаш, қўлдан келган яхшиликни улардан аямаслик, айтган сўзларига кулоқ солиб, берган панд-насиҳатларига амал қилиш уқтирилади.

Иккала эртак ҳам анъанавий дебоча қисми билан бошланган. Замон, макон ва вақт тушунчаларининг нисбийлиги кузатилади. Бу хусусият кўпроқ “**Қари билганни пари билмас**” эртагида яққол кўзга ташланади. “**Корё одати ва ҳақиқий ўғил**” эртаги яратилган даврга

АДАБИЁТШУНОСЛИК

эътибор берадиган бўлсак, корейсларнинг Хитой давлати қўл остида бўлган пайтига тўғри келиши тасвирланган. Корё одати дейилишидан милодий 935 йилдан бўёғида бўлган даврга эътибор бериш керак бўлади. Сабаби, бу вақтда Корё (Корея номи шундан олинган) давлатининг асосчиси Ван Гон мамлакатни бирлаштирди. Х аср охирларига келиб марказлашган давлат пайдо бўлди. Унгача мамлакатни Когурё, деб атаганлар.

Эртакларда ракамларнинг ҳосиятига аҳамият қаратилган. Эртакларда З сонидан ўринли фойдаланилган. “Қари билгани пари билмас”да уч нарса, от, күш, ари; “Корё одати ва ҳақиқий ўғил”да З та топишмоқнинг топилиши жоҳил одатнинг бартараф этилишига алоқадор. Инсонни жисман ва маънан тарбиялашнинг устувор вазифа этиб белгиланганлиги “Қари билгани пари билмас” эртагида ўзбек халқ ҳикматларидан оқилона фойдаланилганлигига кўринади: бу дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам худди акс-садога ўхшаб қайтар экан. Қарини қолда сақла, ўлигини ҳафта сақла каби. Эртакда кўлланган “Қарини қолда сақла, ўлигини ҳафта сақла” ўзбек халқ мақоли бугунги кунда “Қарини кафтда сақла, ўлигини ҳафта сақла” тарзида ишлатилади.

Қарияларни қадрлаш қадим қадрият саналади. XI асрнинг атоқли шоири, донишманди ва давлат арбоби Юсуф Хос Хожиб қариларни ҳурмат қилиш, улар ҳақида бехуда сўз айтмаслик, улар ҳузурида одоб ва камтарлик билан сўзлашиб жоизлигини ўзининг “Кутадғу билиг” асарида уқтирган эди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги иккала эртакда ҳам ўзбек ва корейс халқларининг анъанавий қоидалари ҳисобланган, ёшлиқдан болалар онгига сингдириб борилувчи оилавий қадриятлар ўзидан катталарни, биринчى галда кекса боболар-у оталарни, нуроний бувиларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, улар учун кўлдан келган ёрдамни аямаслик сингари **умуминсоний қадриятлар тағзамини қаердан келиб чиққани ҳикоя қилинади**.

Ўзбек ва корейс эртакларида типологик ўхшашликлар юзага келган “Аҳил ака-ука” (ўзбек халқ эртаги) ва “Икки ака-ука” (корейс халқ эртаги) оилавий қадриятлар тасвирланган эртаклардан бири бўлиб, уларда бир қатор оилавий қадриятлар муштараклик касб этган.

Ушбу эртакларда ака-укалар ўртасидаги меҳр-оқибат, бир-бирини қўллаб қувватлаш, ғамхўрлик қилиш каби оилавий қадриятлар

тасвирига чукур ўрин берилиб, табиий шароит ва географик муҳит, яъни халқ яшайдиган жойда ўсувчи ўсимлик тури жиҳатидан фарқланиш кўзга ташланади. Бизга маълумки, Кореяда буғдойга нисбатан гуруч кўпроқ етиширилиб, истеъмол қилинади. Юртимиз жойлашган Марказий Осиёда эса қадимдан шолига нисбатан буғдойдан кўпроқ ҳосил олинган.

“Икки ака-ука” корейс халқ эртагида ака-ука биргалиқда астойдил меҳнат қилиб, яхши ҳосил етиширишга ҳаракат қилишгани сабабли кузда бошқалардан ортиқ ҳосил олишади. Йигилган ҳосилни тенг тақсимлаб олган куз кунларининг бирида ака укасининг янги оила қурганини, шу туфайли унинг харажатлари кўплигини ўйлаб, кечкурун ўзининг ҳосилидан бир қоп гуруч (ўзбек халқ эртагида буғдой)ни укасининг уйидаги омборига олиб борибди. Эрталаб эса у ўз қопларини санаб, заҳирасидан бир қоп ҳам камаймаганини аниқлабди. Кечкурун яна бир қоп гуруч (буғдой)ни олиб, сездирмай укасининг заҳирасига кўшиб қўйибди. Тунда яна бир қоп гуруч (буғдой)ни кўтариб, укасининг омборига йўл олибди.

Бирдан у укаси ҳам у томонга бир қоп гуруч (буғдой) кўтариб келаётганини кўрибди. Маълум бўлишича, акасининг оиласи катта бўлганлиги учун укаси унга ёрдам бермоқчи бўлганди. Бир-бирига шундай ғамхўрлик қилувчи ака-укалар яна ҳам яхши яшабдилар ва кўп фарзанд кўрибдилар.

Қадимдан ўзбек оилаларида ака-укалар бир ҳовлида истиқомат қилишган. “Аҳил ака-ука” ўзбек халқ эртагида ака-укалар бир ҳовлида яшашар, омборлари бир бўлса-да, уларнинг дон заҳиралари иккига бўлиниб, икки жойда сақланарди. Корейс халқ эртагидан фарқли равишида ука “акамнинг оиласи катта”, дея ўзининг улушидан акасининг донларига билинтирмай қўшиб қўярди. Бироқ, у ўзининг улушидан акасининг донларига қанча кўшмасин, унинг донлари камаймабди. Чунки акаси ҳам “укамнинг оиласи ҳали янги, у оёққа туриб олсин”, дея ўз улушидан ҳар кеч бир қоп дон укаси томонга сурив қўяр экан. Бир куни ука акасининг бир қоп донини унинг заҳирасига қўшиб қўяётгани устидан чиқибди. Аҳилликлари сабаб уларнинг донлари камаймаганини тушунишибди.

“Аҳил ака-ука” ва “Икки ака-ука” эртакларида икки миллатга мансуб ака-укалар муносабатидаги оилавий қадриятлар муштараклигига гувоҳ бўламиз. Фарзандларнинг бир-бирлари билан иноқ,

тотув, чинакам дўст, меҳрибон, ҳамкор, ҳамнафас, ҳамдард, ҳамроҳ, меҳр-оқибатли бўлиб яшашлари уларнинг баҳти ва фаровон ҳаёт кечиришларига асос бўлди. Оилавий қадриятлар қадрланган ҳар қандай оиласда бу каби эзгуликлар бўй кўрсатиб, оиласлар мустаҳкамлиги таъминланаверади. Оилавий, умуминсоний қадриятлар тасвириланган бу каби асарлар ҳалқнинг маънавий бойлиги бўлиб, ёш авлод тарбиясида керакли дастуриламал бўлиб хизмат қиласаверади.

Гувоҳ бўлганимиздек, оила ота-она ва фарзанддан иборат уч устун устига қурилади. Бу устунларни тутиб турувчи омиллар меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, аҳиллик каби оилавий ва умуминсоний қадриятлар ҳисобланади.

Ўзбек-корейс оиласларида маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда, ёш авлодга оилавий қадриятларни сингдиришда кексалар катта роль ўйнайдилар. Улар аждодлар яратган бой маънавий-ахлоқий

қадриятларнинг хазинабону, давомчиси ва янги шароитдаги бунёдкори сифатида ёш авлодни тарбияловчи беминнат мураббий саналадилар. Шу боисдан ҳалқимизда “Қариси бор уйнинг фариштаси бўлади”, “Қари билганни пари билмас” сингари мақолларнинг мавжудлиги бежиз эмас. Эртакларнинг асосий ғояси ҳам шу жиҳатларни таъкидлашдан иборатдир.

Оила ва оилавий қадриятлар тасвиридаги муштаракликлар икки миллат адабиётининг қадимги шакли бўлган ҳалқ оғзаки ижодиётида ҳам намоён бўлади. Оилавий қадриятлар тасвири чизилган бу икки ҳалқ мақол ва эртакларида типологик ўхшашиларнинг вужудга келишига қадимдан илдизларимиз бирлиги, яъни корейсларнинг аждодлари туркий ҳалқларга бориб тақалиши, қадимда буддавийлик динига амал қилингани, маданиятларимиз, менталитетимиздаги муштаракликлар сабаб бўлган бўлса, не ажаб.

Адабиётлар:

1. Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия)// тузувчи Аминов М.Н. – Т.: «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2016.
2. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990.
3. O'zbek xalq maqollari /tuzuvchilar Mirzayev T., Musoqulov A., Sarimsoqov B. – Т.: Sharq, 2013.
4. Корейс ҳалқ мақоллари// Жаҳон адабиёти, 2001. №12.
5. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Т., 1990.
6. Корейслар// Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – Ж. 5 – Т.: «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003.
7. Олтойлар// Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – Ж. 6 – Т.: «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003.
8. Воҳидов Э. Асарлар. Иккинчи жилд . Ёз ҳарорати. – Т.: “Шарқ”, 2015.
9. Ўзбек ҳалқ эртаклари. – Т., 1985.
10. Oltinsoch yigit: o'zbek, rus va boshqa xalq ertaklari./ To'plovchi: Karabayeva D.–T.: Art fleks, 2015.